

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
PREZIDENTINING
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2017 йил „ 20 “ июнь

№ ПҚ-3071

„ ____ “ _____ 20 ____ г.

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда
ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Соғлиқни сақлашни ислох қилиш давлат дастурлари амалга оширилиши натижасида юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг принципаал жиҳатдан янги тизими ташкил этилди. Республикада ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, шу жумладан, хирургия, кардиология, кўз микрохирургияси, урология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, эндокринология, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология (кейинги ўринларда - Республика марказлари) соҳасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва юқори малакали врачлар билан тўлдирилган ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда.


Кейинги беш йилда Республика марказларида 150 мингдан ортиқ операциялар, шу жумладан, 80 мингдан ортиқ юқори технологик оператив муолажалар бажарилди, даволашнинг мураккаб ва ноёб услублари амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш асосан Тошкент шаҳрида жамланган, бу республика минтақалари аҳолисининг тегишли хизматлардан фойдаланишини чеклаб қўймоқда. Замонавий диагностика ва махсус тиббиёт ускуналари билан етарлича жиҳозланмаганлик, замонавий ускуналарда ишлаш учун врачларнинг етарлича тайёрланмаганлиги туфайли юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг айрим турларидан республика аҳолиси фойдалана олмаяпти.

Марказлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаслиги, айниқса юқумли касалликларнинг турли соҳасида, шу жумладан, ижтимоий хавфли, онкологик ҳамда кам тарқалган касалликлар соҳасида энг хавфли ва мураккаб касалликлар тарқалиши тенденцияси ва қонуниятини ўз вақтида аниқлаш имконини бермайди. Энг кўп тарқалган касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлашнинг синондан ўтказилган илгор халқаро амалиётини жорий этиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Халқаро амалиёт билан таққослаганда, республикада неврология, травматология ва ортопедия, нейрохирургия хизматларининг, шу жумладан, боалар касалликлари соҳасидаги салоҳияти заиф ривожланган.

Ихтисослаштирилган тиббий хизматларнинг аниқ тариф сиёсати



шу жумладан, ижтимоий аҳамиятли касалликлар бўйича хизматлар кўрсатиш тарифи ишлаб чиқилмаган.

Ихтисослаштирилган марказлар врачлари малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштиришга муҳтож, етакчи хорижий ихтисослаштирилган клиникалар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, тажриба алмашиш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш зарур даражада амалга оширилмаяпти.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизимини янада шакллантириш, профилактика ва касалликларни барвақт аниқлаш чораларини такомиллаштириш, аҳолига, шу жумладан, минтақаларда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг натижадорлиги, сифати ва ундан фойдаланишни тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

акциядорлик жамиятлари шаклидаги Республика марказларини давлат муассасаларига айлантириш 1-иловага мувофиқ;

айрим республика даволаш-профилактика муассасаларини республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари этиб қайта номлаш тўғрисидаги таклифи 2-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари 3-иловага мувофиқ рўйхат бўйича тиббий хизматлар кўрсатишнинг тегишли ихтисослашган йўналишлари бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотлари этиб белгилансин.

3. Республика марказларига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

умуман республикада ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденциясини ўз вақтида аниқлашни таъминлайдиган таҳлилий ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соғлиқни сақлашнинг вилоят ва туман (шаҳар) ташкилотлари учун профилактик ва даволаш фаолиятининг схемаларини ишлаб чиқиш;

ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга ошириш, замонавий тиббиёт ускуналари ва технологияларга, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, клиник протоколларни ишлаб чиқиш;

шу жумладан, тегишли тиббиёт ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ахборот ва тушунтириш материалларини нашр этиш орқали минтақаларда зарур профилактика ишлари олиб борилишига кўмаклашиш;

худудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, уларнинг амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этиш;

сайёр консультациялар, маҳорат дарсларини, шунингдек, биринчи навбатда энг мураккаб ҳолатларда худудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларида операцияларни мунтазам равишда ўтказиб бориш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан биргаликда

муассасаларнинг ўз тиббиёт ходимлари, ихтисослаштирилган ҳудудий тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт ходимларини малакасини тизимли ошириш, шунингдек, клиник ординатурада, базавий докторантурада ва докторантурада тор мутахассис кадрларни тайёрлаш;

етақчи халқаро тиббиёт марказлари, клиникалар ва юқори малакали хорижий мутахассислар билан, шу жумладан консултациялар ва маҳорат дарслари ўтказиш учун уларни республикага таклиф этиш орқали кенг ҳамкорликни ташкил этиш, соғлиқни сақлашнинг маҳаллий мутахассисларини чет элдаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва клиникаларида тажриба орттиришига қўмаклашиш.

Республика марказлари филиаллари, турдош ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари ва ҳудудий тиббиёт қўп тармоқли марказларининг ихтисослаштирилган бўлимлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари касалликларнинг профилактикасини ва уларни барвақт аниқлашни таъминлайдилар, шунингдек, тегишли ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатадилар.

4. Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизими барча даражаларда ислоҳ қилинсин:

республика даражасида – ихтисосли йўналишлар бўйича энг замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш;

вилоят даражасида – ихтисосли йўналишлар бўйича замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш;

туман (шаҳар) даражасида – янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган турдош бўлимлар негизида ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатишни;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкил этиш даражасида – махсус тасдиқланган жадвал бўйича туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги ташкилотларнинг тор ихтисосли мутахассислари томонидан консултациялар берилишини, шунингдек, даволаш ва консултатив-диагностика йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг айрим турларини кўрсатиш.

5. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш схемаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари Дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин, ушбу Дастурда қуйидагилар назарда тутилсин:

аҳолининг сифатли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

Республика марказларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;
ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббиёт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини

ошириш, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда даволаш ва диагностиканинг юқори технологик усулларини жорий этиш ва маҳаллий мутахассисларни ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий технологияларига ўқитиш учун Республика марказларига таклиф этиладиган Етакчи хорижий марказлар ва клиникаларнинг юқори малакали мутахассисларининг икки томонлама келиб-кетишини, яшаши ва овқатланишига ҳақ тўлаш, меҳнатига тегишли ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш тартиби ва манбалари тўғрисидаги низомни;

уч ой муддатда юқори технологик диагностика ва даволаш хизматлари кўрсатишнинг мураккаблигидан, тигизлигидан, ҳажмидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига табақалаштирилган ёндашишни жорий этиш йўли билан ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда:

Республика марказлари ва уларнинг филиалларини, шунингдек, турдош ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ихтисослаштирилган бўлимларини, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини профилактика, диагностика ва беморларни даволашнинг ихтисослаштирилган турлари билан таъминлаш учун тиббиёт ускуналари, инструментлар билан жиҳозлаш стандартларини замонавий технологияларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда моддий-техника базани доимий равишда янгилаш, дори воситалари ва зарур сарфлаш материаллари, тиббиёт ускуналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш учун зарур бўлган Республика марказларининг рентабеллиги даражасини таъминлашни, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилаётган тиббий хизматларга тарифларни шакллантиришнинг янгиланган умумий қоидалари ва методикасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасининг чет элга даволаниш учун жўнаб кетаётган фуқароларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича келгуси йилга республика, вилоят ва туман даражаларида имтиёзли тоифага тегишли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш, шунингдек, сервис хизмати кўрсатиш, таъмирлаш, сарфлаш материаллари ва юқори технологик ускуналар реактивлари билан таъминлаш учун зарур ҳажмда бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2018 йил 1 январгача Республика марказлари билан биргаликда тегишли ихтисослаштирилган тиббий ёрдамлардан фойдаланишга, шу жумладан, имтиёзли тоифаларни алоҳида ҳисобга олган ҳолда юқори технологик тиббий ёрдамдан

фойдаланишга муҳтож бўлган беморларнинг доимий янгиланадиган ягона электрон базасини ташкил этсин;

2019 йил 1 январгача барча ихтисослаштирилган марказларда, вилоят филиалларида, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида врач қабулига масофадан туриб ёзилиш имконини берувчи электрон дастур жорий этилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда етакчи хорижий клиникалар ва марказлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича Республика марказларига доимий асосда кўмаклашсин.

11. 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда:

аҳолига пулли тиббий хизматлар кўрсатувчи соғлиқни сақлаш давлат тизимининг тиббиёт ташкилотлари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббий, муҳандислик-техник ускуналар билан жиҳозлашга ва унга сервис ва техник хизмат кўрсатишга, эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари, инвентарь ва бошқа тиббий буюмлар харид қилишга, янги бинолар ва иншоотларни қуришга, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга йўналтирилсин;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича соғлиқни сақлаш давлат тизимининг тиббиёт ташкилотлари хориждан олиб келинадиган тиббиёт ускунаси, бутловчи буюмлар, тиббиёт ускунасига эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари учун божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин;

соғлиқни сақлаш давлат тизимининг тиббиёт ташкилотлари маҳаллий мутахассисларининг малакасини ошириш жараёнига жалб этиладиган хорижий олимлар, врачлар ва мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олиннадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғини тўлашдан озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

**Давлат муассасаларига айлангирилаётган акциядорлик жамиятлари
шаклидаги Республика марказлари
РЎЙХАТИ**

1. "Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази" АЖ.
2. "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" АЖ.
3. "Республика ихтисослаштирилган урология маркази" АЖ.
4. "Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази" АЖ.
5. "Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази" АЖ.
6. "Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази" АЖ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “ 20 ” июндаги ПҚ-3071-сонли қарорига
2-илова


**Республика ихтисослаштирилаётган илмий-амалий тиббиёт
марказлари этиб қайта номланаётган республика
даволаш-профилактика муассасалари
РЎЙХАТИ**

1. Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази.
2. Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази.
3. Республика ихтисослаштирилган урология маркази.
4. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази.
5. Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти.
6. Республика нейрохирургия илмий маркази.

**Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт
марказлари – тиббий хизматлар кўрсатишнинг тегишли
ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича
республиканинг бош тиббиёт ташкилотлари
РЎЙХАТИ**

1. Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази.
2. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази.
3. Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази.
4. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази.
5. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази..
6. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази.
7. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази.
8. Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази.
9. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази.
10. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази.
11. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази.
12. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази.
13. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази.

Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш С Х Е М А С И



Изоҳ.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассислари филиалларида ҳудудий ихтисосли тиббиёт ташкилотларида ва кўп тармоқли тиббиёт марказларида ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида операциялар, маҳорат дарслари ўтказиладиган, маслаҳатлар берадилар.

Вилоят тиббиёт ташкилотлари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари мутахассислари қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаларида ва қишлоқ врачлик пунктларида маслаҳатлар берадилар.

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига
ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ**

Т/ Р	Тадбирлар номи	Бажариш муддат- лари	Суммаси	Молиялаштириш манбалари	Такдим этиладиган хужжат шакли	Бажарувчилар
1	<p align="center">I. Аҳолининг сифатли ва самарали ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланишини кенгайтиришга йўналтирилган ҳукукий базани тақомиллаштириш</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон ва “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Хукуматиининг марказларнинг номларини ўзгартириши, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилотларида тиббий ёрдам кўрсатиладиган шахслар имтиёзли тоифасининг ягона рўйхатини юратишни назарда тутувчи тегишли қарорларига ўзгартиришлар кўриштиш.</p>	2017 йил 1 сентябрь, III чорак	-	-	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Вазирлар Маҳкамасининг қарори	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б.Ходжаев Молия вазирлиги, Г. Саидова Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

2	Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Намунавий устави тасдиқлаш.	2017 йил 1 август, III чорак	-	-	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б.Ходжаев Молия вазирлиги Г.Саидова Иқтисодиёт вазирлиги
3	Юқори технология диагностика ва даволаш хизматлари кўрсатишда мураккабликдан, тингизликдан, ҳақмдан келиб чиқиб меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига табақалаштирилган ёндашуви жорий этиш йўли билан республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.	2017 йил 1 сентябрь, III чорак	-	-	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б.Ходжаев Молия вазирлиги, Г.Саидова Иқтисодиёт вазирлиги, А.Абдухакимов Меҳнат вазирлиги,
4	2017-2021 йилларда аҳолига кўрсатилаётган неврохирургик ёрдамни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш.	2017 йил 1 сентябрь, III чорак	-	-	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги Б.Ходжаев Молия вазирлиги Г.Саидова Иқтисодиёт вазирлиги
5	Олий тиббиёт таълим муассасалари клиникалари тўғрисидаги низомларни қайта кўриб чиқиш ва янгиланган намуналарини тасдиқлаш.	2017 йил 1 сентябрь, III чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги
6	Даволаш-диагностика хизматлари кўрсатишнинг замонавий илмий асосланган усуллари ва технологияларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда даволашнинг ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг стандартларини заруриятга кўра қайта кўриб чиқиш ва мажбурий жорий этиш.	2017-2021 йиллар	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**II. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини
молиялаштириш тизимини такомиллаштириш**

7	<p>Моддий-техника базани доимий янгилаш, дори воситалари ва зарур сарфлаш материаллари, тиббиёт ускунасига эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, шунингдек қуйдагилар йўли билан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари учун зарур бўлган пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатишдан маблағлар тушуми даражасини янада ошириш:</p> <p>рентабелликнинг тегишли даражаси таъминлангани ҳисобга олинган ҳолда кўрсатиладиган тиббий хизматларга тарифларни шакллантиришнинг янгиланган умумий қоидалари ва методикасини тасдиқлаш;</p> <p>норезидентларга эркин муомаладаги вазоғтада тиббий хизматлар кўрсатиш тартибини жорий этиш.</p>	<p>2017 йил 1 сентябрь, III чорақ</p>	-	Кўшма қарор	<p>А.Шаҳманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б.Ходжаев Молия вазирлиги, Р.Гулямов Давлат рақобат қўмитаси, Г.Саидова</p> <p>Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
8	<p>Ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилиши ҳисобга олинган ҳолда замонавий талабларга ва илгор хорижий таҷрибага мувофиқ тиббиёт ташкилотларида ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатлари юритилиши тизимини такомиллаштириш.</p>	<p>2017 йил 1 ноябрь, IV чорақ</p>	-	Чора-тадбирлар комплекси	<p>А.Шаҳманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б.Ходжаев Молия вазирлиги Г.Саидова</p> <p>Иқтисодиёт вазирлиги</p>

**III. Ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббиёт ташкилотларининг
моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**

9	<p>1-иловага мувофиқ республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан:</p>		<p>Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини</p>	<p>Инвестиция дастури</p>	<p>А.Шаҳманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б.Ходжаев</p>
---	---	--	---	-------------------------------	--

	янги объектлар қуриш; объектларни реконструкция қилиш;	2017-2018 йиллар 2017-2018 йиллар 2018-2019 йиллар	38 700,0 млн сўм 37 000,0 млн сўм 15 000,0 млн сўм	ривожлантириш Жамғармаси маблағлари	Молия вазирлиги Г. Саидова Иқтисодийёт вазирлиги
10	муқаммал таъмирлаш йўли билан мустаҳкамлаш. 1а-иловага мувофиқ ҳудудий ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан: янги объектлар қуриш; объектларни реконструкция қилиш;	2017-2019 йиллар 2017-2020 йиллар 2018-2020 йиллар	120 500,0 млн сўм 84 800,0 млн сўм 52 500,0 млн сўм	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш Жамғармаси маблағлари	А. Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б. Ходжаев Молия вазирлиги Г. Саидова Иқтисодийёт вазирлиги
11	муқаммал таъмирлаш йўли билан мустаҳкамлаш. 1-иловага мувофиқ республика ихтисослаштирилган педиатрия, фтизиатрия ва пульмонология, кардиология, дерматология ва венерология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, кўз микрохирургияси, урология ва травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказларини юқори технологик тиббиёт ускунаси билан жиҳозлаш.	2017-2018 йиллар	24 883,5 минг АҚШ долларлари	Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг кредитлари ва грантлари	А. Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги
12	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини ва вилоят бошлар кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят онкология марказларини, туман (шаҳар) тиббиёт биришмаларини юқори технологик ускуна – компьютер томографлари, магнитрезонанс	2017-2018 йиллар	72 367,7 минг АҚШ долларлари	Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг кредитлари ва грантлари	А. Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги

	<p>тиббёт институти ва Андижон давлат тиббёт институти негизида ўқув-симуляция лабораториялари ташкил этиш.</p>		<p>бюджет маблағлари доирасида</p>	<p>вазирлиги, Б.Ходжаев Молча вазирлиги Г.Саидова Иқтисодиёт вазирлиги</p>
<p>V. Аҳолига иқтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш</p>				
18	<p>Касалликларни олдини олиш, ўз вақтида ташхислаш ва даволашга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни олиб бориш.</p>	<p>2017-2021 йиллар</p>	<p>Хар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлининг буйруғи</p> <p>А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>
19	<p>Имгўёзлик тоифаларни ва болаларни алоҳида ҳисобга олган ҳолда тегишли иқтисослаштирилган тиббий хизматлар, шу жумладан, юқори технология тиббий ёрдамга мухтож беморларнинг доимий янгилаб бориладиган ягона электрон маълумотлар базасини ташкил этиш.</p>	<p>2017 йил 1 ноябрь, IV чорақ</p>	<p>Бажарувчилар маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва халқаро молча институтлари ва донор мамлакатларнинг кредитлари ва грантлари</p>	<p>Чора-тадбирлар комплекси</p> <p>А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>
20	<p>Республика иқтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари етакчи мутахассисларнинг аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари юқори малакали иқтисослаштирилган тиббий ёрдамдан фойдаланишини кенгайтириш мақсадида мамлакатнинг барча минтақаларига мунтазам равишда чеккаларини ташкил этиш.</p>	<p>Хар йили келишилган шарафнома</p>	<p>Бажарувчилар маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлининг буйруғи</p> <p>А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>
21	<p>"Соғлиқни сақлаш" ахборот тизими комплекси доирасида барча Республика иқтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида, вилоят кўп тармоқли тиббиёт</p>	<p>2017-2018 йиллар, комплекс чора-тадбир</p>	<p>Бажарувчилар маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлининг буйруғи</p> <p>А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Б.Ходжаев</p>

	марказларида врач қабулига масофадан туриб ёзиллиш имконини берувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	ларга мувофиқ		ва халқаро молия институтлари ҳамда донор мамлакатларнинг кредитлари ва грантлари	Молия вазирлиги, маърафатдор вазирлик ва идоралар
22	Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан жойларга чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят, шаҳар ва туман даражаларидаги ихтисосли тиббиёт ташкилотлари (бўлимлари) фаолиятини ташкил этишга самарали методик раҳбарлик қилиш тизимини шакллантириш.	Ҳар йили келишилган тасдиқланган жадвалларга мувофиқ	-	Бажарувчилар маблағлари	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги
23	Олий тиббиёт тизим муассасалари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг етакчи мутахассисларини жалб этиш ҳолда диагностика ва даволашнинг янги усулларини жорий этиш бўйича вилоят, шаҳар ва туман даражалари тиббиёт ташкилотлари врачлари учун маҳорат дарсларини ташкил этиш.	Ҳар йили тасдиқланган жадвалларга мувофиқ (китоб шаклида)	-	Бажарувчилар маблағлари	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги
24	Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга даволашнинг қўйидаги юқори технологик замонавий усулларини жорий этиш: митрал клапани (қоққани) кичик инвазияли усулда протезлаш операциялари; аортал клапани (қоққани) кичик инвазияли усулда имплантация, кизилўнғач-меъда коллекторини батамом ажратиш, юмпшок тўқималарнинг кенг қўламли нуқсонларини пластика қилиш, митрал етишмовчилигида қорити тикловчи аралашувлар, дистал сплено-	2018 йил 2019 йил	-	Бажарувчилар маблағлари	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ф.Назиров Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази

25	<p>ренал (кора талок ва буйрак веналари) анатомозини кўйиш бўйича операциялар.</p> <p>Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга қўйидаги даволаш ва диагностиканинг юқори технологик замонавий усулларини жорий этиш:</p> <p>юқори ва пастки пепоб йўллариининг фаолият бузилишига таъхис қўйишда уродинамик текширувларни, пепоб йўлининг (уретра) давомли торайишларида реконструкцияловчи-қайта тикловчи операциялари, простага беиз касалликларида эндоурологик трансуретрал операцияларни; буйрак хосилаларига таъхис қўйишда ультратовуш (доплерография) текширувларни қўллан;</p> <p>буйрак хосилаларида аъзо сақловчи эндоскопик операцияларни, радиологик текширувларни (МСКТ, МРТ) қўллаш.</p>	2017 йил	-	Бажарувчилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи	А.Шадрманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ш.Мухтаров Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази
26	<p>Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга қўйидаги даволаш ва диагностиканинг замонавий юқори технологик усулларини жорий этиш:</p> <p>эксимерлазерли хирургия, корнеотопография, контактсиз тонометрия-пахиметрия;</p> <p>тўр пардани электрофизиологик текшириш, тўр парданинг витректомияси, лазерли лазердиоптристонотомия, шох парла кросс-линкни, тўр парданинг лазеркоагуляцияси; ультратовушли биомикроскопия, кўзнинг оптик когерент томографияси, шох парданинг конфокал микрокопияси.</p>	2017 йил 2018 йил 2019 йил	-	Бажарувчилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи	А.Шадрманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, З.Сиддиқов Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази

27	<p>Республикада ижтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга куйидаги давонаш ва диагностиканинг юқори ихтисолатлик замонавий усулларини жорий этиш.</p> <p>75 ёшдан ошган беморларда аортал қолқани катетер орқали имплантациялаш;</p> <p>чап бўлмача қулоқчасини катетер орқали беркитиш, юрак туғма нуқсонларини эндоваскулар даволаш, қизилўнғач орқали эхокардиография қилиш;</p> <p>митрал қолқани катетер орқали пластика қилиш, аорта кўтарилувчи қисмини супракоронал протезлаш, аорта кўтарилувчи қисмини протезлаш.</p>	<p>2017 йил</p> <p>2018 йил</p> <p>2019 йил</p>		<p>Бажарувчилар маблаглари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p>	<p>А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Р.Қурбонов Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
28	<p>Республикада ижтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга куйидаги давонаш ва диагностиканинг юқори ихтисолатлик замонавий усулларини жорий этиш:</p> <p>лапароскопик гистерэктомия (бачадонни олиб ташлаш), бачадонни баллонли тампонада қилиш, операциядан олдинги ва кейинги даврда мультимодал оғриқсизлантириш, кичик миқдорда кон йўқотишда «Damage control» - "Жароҳат назорати" усулини татбиқ қилиш; стрессли пешоб ушламаслиқни кичик инвазияли усулда такомиллаштирилган операцияли изга солиш, туғруқ ёшидаги аёлларда консерватив миоэктомия;</p> <p>бачадон бўйни саратон олди ҳолатларини скрининглаш; хомилани ривожланишининг аномалияларида бачадон иккинчи фетал хирургияси.</p>	<p>2017 йил</p> <p>2018 йил</p> <p>2019 йил</p>		<p>Бажарувчилар маблаглари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p>	<p>А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Д.Нажмулдинова Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази</p>

29	<p>Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга қўйидаги даволаш ва диагностиканинг юқори технологик замонавий усулларини жорий этиш;</p> <p>аниқ кўришиб турган нафас етишмовчилиги бўлган беморларни юқори частотали ўпка сунъий вентилляцияси ёрдамида респиратор қўллаб-қувватлаш;</p> <p>сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда бўйрақлар фаолиятининг бузилишини прогностикасириш мезонларини аниқлаш;</p> <p>антибиотикларга чидамли штаммларни молекуляр-генетик усуллар билан аниқлаш.</p>	<p>2017 йил</p> <p>2018 йил</p> <p>2019 йил</p>	-	Бажарувчилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	<p>А.Шаҳманов</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, У.Қамиллова</p> <p>Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
30	<p>Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга қўйидаги даволаш ва диагностиканинг юқори технологик замонавий усулларини жорий этиш;</p> <p>аллопецияни даволашда сочларни экиш усулини;</p> <p>озонотерапиядан фойдаланган ҳолда дерматозларни даволаш;</p> <p>эксимер нурдан фойдаланган ҳолда мохов ва витилигонинг ҳар хил шакллари даволаш, дерматологик касалликлар терапиясида лазер технологияларини жорий этиш.</p>	<p>2017 йил</p> <p>2018 йил</p> <p>2019 йил</p>	-	Бажарувчилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	<p>А.Шаҳманов</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, У.Сабилов</p> <p>Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
31	<p>Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга қўйидаги даволаш ва диагностиканинг юқори технологик замонавий усулларини жорий</p>		-	Бажарувчилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	<p>А.Шаҳманов</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Н.Парпиева</p> <p>Республика</p>

<p>Этиш:</p> <p>ўпка ва ўлкадан ташқари силни даволашда видеоторакоскопик операциялар;</p> <p>торакомиопластика, бета-лактамаза фаоллигини анкилаш усуллари, йирик буғимларни бағамом эндопротезлаш; инфравезикуллар (пуфак ичи) торайишларда кичик инвазияли операцияларни қўллаш, трахея ва бронхларнинг пластик операциялари, ўпка ва плеврада видео-ёрдамчи ва видеоторакоскопик операцияларни қўллаш;</p> <p>беш бронхни туш орқали (транстернал) беркитиш (окклюзия), нефропексия, сигмоцистопластика, умуртқа поғонаси патологияларида радикал-қайта тикловчи операциялар.</p>	2017 йил				<p>ихтисослаштирилган</p> <p>фтизиатрия ва</p> <p>пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
	2018 йил				
	2019 йил				
	2020 йил				
<p>32</p> <p>Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётга қўйидаги даволаш ва диагностиканинг юқори технологик замонавий усулларини жорий этиш:</p> <p>чакалоқларда аудиоскрининг ўтказишни ҳам ўз ичига олувчи оғир шаклдаги кулоғи оғир ва қар болаларни реабилитация қилиш, болаларни тавлаб олиш ва операциягача реабилитация қилиш, кохлеар имплантация операцияси, операциядан кейинги тиббий- ижтимоий ва педагогик реабилитация;</p> <p>болалардаги сафро йўллари ва пептоб чиқарувчи йўللarning туғма нуқсонлари ҳамда орттирилган усулларда ташхис қўйиш ва изга солин.</p>	2018 йил				<p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p> <p>А.Шадаманов</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,</p> <p>Д.Ахмедова</p> <p>Республика</p> <p>ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
<p>33</p> <p>Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт</p>					<p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p> <p>А.Шадаманов</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи</p>

	<p>маркази амалиётга қўйдаги даволаш ва диагностиканинг юқори технологик замонавий усулларини жорий этиш:</p> <p>марказий асаб тизими ва орқа миё хосилаларида контрасти магнит-резонанс томографияни қўллаш;</p> <p>глюкоза миқдори ва инсулин помпасини кеча-кундузи мониторинг, бош миё ўсмасига ташхис қўйишда стереотоксик биопсия усулини қўллаш, марказий асаб тизими ўсмаларида операция ичи флуоресцент спектроскопияни қўллаш;</p> <p>бош миё қутиси асосининг ўсмаларида кенгайтирилган трансанал (бурун орқали) йўллари қўллаш, калқонсимон олди безларининг эндоскопик хирургия усуллари, оптик когерент томография, аутофлюоресцент аъзоси касалликларини лазер ёрдамида даволаш усуллари.</p>	<p>2017 йил</p> <p>2019 йил</p> <p>2020 йил</p>		<p>бўйруғи</p>	<p>вазирлиги, А.Алимов Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий- амалий тиббиёт маркази</p>
34	<p>Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётга стенозлар и аневризмаларда юрак томирлари ва бош миёни стентлаш бўйича даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш.</p>	<p>2017 йил</p>	<p>9 772,0 млн сўм</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўйруғи</p>	<p>А.Шаҳманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Р.Курбонов Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий- амалий тиббиёт маркази, Ф.Назиров Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Г.Кариев Республика</p>

35	Андижон ва Самарқанд давлат тиббиёт институтлари клиникалари, Бухоро ва Фарғона вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётга катта ёшдагиларга юракнинг оғир касалликларига нисбатан очик юракда операцияларни жорий этиш.	2018 йил	9 158,0 млн сўм	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлан-тириш Жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	Ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Р.Қурбонов Республика Ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ф.Назиров Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази
36	Хоразм, Наманган ва Самарқанд вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётга болаларда оғир юрак касалликларига нисбатан очик юракда операцияларни жорий этиш.	2018 йил	6 114,9 млн сўм	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш Жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Р.Қурбонов Республика Ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ф.Назиров Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази
37	Хулудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларининг жаррохлик амалиётига кўйидагиларни жорий этиш.		-	Бажарувчилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, А.Шадманов

	<p>дистал сплено-ренил (қора талок ва буйрак веналари ўртасыда) анастомозларни лапароскопия усулда қўллаш; кизилўнғач оркали (операция вақтида) эхокардиография қилиш, кизилўнғач варикоз кенгайган веналаридан фаол қон кетаётган бир пайда стентлаш; мультифокал (кўп ўчоқли) артериосклероз билан оғриган беморларда тож ҳамда уйку артерияларининг қўшилиб шикастланишида бир вақтнинг ўзида ангиопластика ва стентлаш усулини ишлаб чиқиш ва тағбиқ этиш; протез олди чурралари бўлган беморларда санографик мезонларни аниқлаш.</p>	2017 йил 2018 йил 2019 йил				Ф.Назаров Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази
38	<p>Хўлудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларининг урология амалиётига қўйидагиларни жорий этиш: қуйи сийдик йўллари функциялари бузилишини баҳолашнинг замонавий диагностика комплексини (Урофлоуметрия), юқори ва пастки сийдик йўллари кам жароҳатли дренарлаш мақсадида эндоскопик операцияларнинг замонавий комплекси; буйрак ва юқори сийдик йўлларидаги тошларни масофадан туриб майдалашнинг замонавий усули (ЭУВЛ); урологик касалликлар диагностикаси учун радиологик тадқиқотларнинг замонавий комплекси, буйракнинг яққа-ёлғиз, асоратсиз тошларини олиб ташлашнинг замонавий эндоскопик усули (МСКТ, МРТ).</p>	2018 йил 2019 йил 2020 йил	-	Бажарувчилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирининг бўйруғи	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ш.Мухтаров Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази
39	<p>Хўлудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларининг офтальмологик амалиётига: қатаракта фактомюльсификацияси; тўр парда лазерковауляциясини жорий этиш.</p>	2017 йил 2018 йил	-	Бажарувчилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирининг бўйруғи	А.Шадманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, З.Сиддиқов

40	<p>Худудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларининг кардиология амалиётига: тож томарлари ангиографияси, тож томарларида ангиопластика билан кечувчи тери орқали аралашувлар (операциялар), кўп ўчоқли (мультифокал) артериосклероз билан оғриган беморларда тож ва уйқу томарларининг кўпирилган торайиши кузатилганда бир вақтнинг ўзида ангиопластика ва стентлаш, ишемик инсультда ички уйқу артериясини стентлаш, аорто-коронар шунгтлаш; юрак ишемик касалигининг турли шаклларида Absorbт биоэрозчи каркасларни ўрнатилш, юрак-қон томир касалликларига ташхис қўйишда замонавий радиологик текширувлар мажмуасини (МСКТ) қўллаш.</p>	2018 йил	-	Бажарувчилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	<p>Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази</p> <p>А.Шадаманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Р.Қурбонов Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
41	<p>Худудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларининг акушерлик ва гинекология амалиётига қуйидагиларни жорий этиш: бачадон бўйни саратон олди касалликлари скринингини ўтказиш; туғуқдан кейинги қон кетишларида бачадонни баллонли тампонада қилиш; операциядан олдинги ва кейинги даврда мультимодал оғриқсизлантириш, катта микдорда қон йўқотишни даволашда «Damage control» усулини қўллаш.</p>	2018 йил 2019 йил 2020 йил	-	Бажарувчилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	<p>А.Шадаманов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Д.Нажмутдинова Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази</p>
42	<p>Худудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларининг терапия амалиётига</p>	-	-	Бажарувчилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирининг	<p>А.Шадаманов Соғлиқни сақлаш</p>

	<p>қўйдагиларни жорий этиш: Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида панкреатик етishмовчиликка ташхис қўйиш учун фекал эластазмани аниқлашда ИФА методика бўйича ташхис қўйиш; бронхомотор тест ўтказиш методикаси, бўйрак функцияларини ҳисобга олган ҳолда сурункали юрак етishмовчилигига чалинган беморларда терапияни танлашни оптимallasштириш, қон томирлари касалликларига чалинган беморларда УТД ва магнит майдонларининг комплекс таъсири.</p>	2017 йил 2018 йил		Бажарувчилар маблағлари	Сўйруғи	<p>вазирлиги, У.Қамлова Республика ихтисосlasштирилган терапия ва тиббиёт реабилитация илмий- амалий тиббиёт маркази</p>
